4. Фанога, яъни ҳақиқатга айланган иймон. Улар ҳақиқатни равшан кўрувчилар, ҳис этувчлар бўлиб ал-Ғаззолий уларни ёнғоқнинг мағзидан олинган ёққа ўхшатади, яъни Аллоҳ билан у бирлашиб, уйғунлашиб кетади.

Иймонли одамнинг қалби, фикри ва нияти тоза бўлади. Иймон инсон маънавияти шаклланишига йўл кўрсатади, бу йўлни ёритади ва мақсад мазмунини чуқурлаштиради. Жалолиддин Румий иймонни намоздан устун қўяди. У ёзадики, “Иймон намоздан устундир. Чунки намоз кунда беш маҳал, иймон эса ҳамма вақт фарздир. Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан адо этилиши мумкин. Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузилиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади. Бироқ иймонсиз намознинг фойдаси йўқ” [6: 34-35].

Имон марказида муайян дунёқараш, оламга, одамга ва уларнинг турли уюшмаларига муносабатни белгилаш ётса-да, моҳиятдан иймон ишонч (эътиқод), иқрор ва амалдан иборат алоҳида руҳий ҳолат ва шундан келиб чиқадиган муносабатдир. Иймонга асосланган руҳий ҳолатларнинг мазмуни инсондаги маънавий камолот даражаси билан белгиланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпинча иймон, асосан, диний тушунча сифатида кишиларимизнинг онгига, тафаккурига ўрнашган. Аслида эса иймоннинг ҳам диний, ҳам дунёвий талқини мавжуд. Ҳар куни фойдали бир амал, савоб иш қилиш, солиҳ хулқ соҳиби бўлиш, бутун инсониятга меҳр–муҳаббат билан қараш, жамиятдаги кишиларнинг хулқ-атвор меъёрларини қалбан ҳис қилиб, уларни бузмасликка интилиш, жамиятдаги тартиб-қоидаларга онгли муносабат, адолат, ҳалоллик ҳам иймондир. Имоннинг зоҳирий сифатлари ҳиммат ва саховат, орият ва номус, заковат ва фаросат, жамият ҳаётида тинчлик, адолат, инсонпарварлик, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, ҳалоллик, эзгу ишлар қилишдир.

Абу Ҳамид Ғаззолийнинг таъкидлашича, гумроҳ кишилар “...илм бўлгач, амалга ҳожат йўқ, қабилда фикр қилурлар. Бундай кимсалар илмнинг ўзи билан кифояланиб, шароитни инкор этувчилар бўлиб, улар учун илм ҳосил бўлса-ю, амал бўлмаса. Бу каби илмдан фойда йўқлигини билишмайди. Ҳолбуки, ўқиб ўрганган илмга амал қилмаган кишининг қиёмат кундаги азоби икки ҳиссадир” [7: 12].

Қуръонда иймонга мувофиқ келадиган ўзаро алоқадор ва боғлиқ ҳуқуқий кўрсатмалар, ижтимоий тамойиллар, ҳулқ-атвор қоидалари, ахлоқий тавсиялар, психологик ўғитлар, маъқуллаш шарт бўлган ҳикматларнинг бир бутун тизими мавжуд ва бу тизим ҳар қандай шароитга мос келади. “Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг”(“Моида”сураси,2-оят), “Ва ошкора ҳамда махфий гуноҳларни тарк қилинглари”(“Анъом” сураси, 120-оят).“Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўғиринг”(“Аъроф” сураси, 199-оят),“...бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундамасин!”(“Моида”сураси, 8-оят), “Ёмонликни гўзал нарса ила даф қил” (“Муъминун”сураси,96 оят), “Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз”! (“Хужурот”сураси, 6-оят).

Кўриниб турибдики, Қуръони Каримда иймон истиқомат (ўзини-ўзи ислоҳ қилиш) тушунчасида ифодаланади ва ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга онгли, даҳлдор ёндашув лозимлигини уқтиради.

Баён қилинган мулоҳазалардан қуйидаги таклиф ва методологик тавсиялар келиб чиқади:

1) ақийда илмга асосланган бўлиши лозим. Динга бўлган ишончни, диний ақийдаларни қатъий далиллар билан исботлаш ва улар тўғрисидаги шубҳаларни рад қилиш учун “Ақоид илми” ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

2) иймон шахс маънавий оламининг атрибути эканлигини диний, ахлоқий, маданий, илмий босқичларда эътироф этиб, буни назарий, ўқув-услубий асосларини ишлаб чиқиш;

3) шахс маънавий борлиғидаги гносеологик қатлам мукамал, намуна сингари хусусиятларга мунтазам эҳтиёжни юзага келтиради. Шунинг учун шахс феноменида иймоннинг диний хусусияти билан бирга миллий ва умуминсоний намуналари (ғурур, ўзликни англаш, ҳақиқат, тенглик, адолат, инсонийлик)ни қарор топтириш моделларини яратиш;

4) шахс маънавий қиёфаси ижтимоий-тарихий шароит, жамият диний эътиқод муҳити, маънавий-мафкуравий таъсирида бўлиб, унинг ички тизими, мазмуни ва мақсадига муайян йўналиш беради, ҳаракат горизонтини белгилайди. Бу борада Призедент Ш.Мирзиёевнинг беш ташаббуси инерциясига шахсни фаол йўналтириш;

5) исломдаги бир бутунлик, мувозанат, сабр, покланиш, бағрикенглик, саховат, яхшилик қилиш, ҳалоллик, ёмонликдан тийилиш хусусиятлари ўзида иймонни акс эттирган. “Этика”, “Маънавиятшунослик” фанлари, “Коррупцияга қарши курашиш” ўқув модуллари соатига иймон хусусиятларига қаратилган мавзуларни киритиш;

6) шахсда иймон онг доирасини кенгайтириш ҳамда қадрли тасаввурлар қарор топишида диний ва бадий ижодиётдаги идеал образларга урғу берувчи (идеал бўлмаса, инсон воқеликнинг оддий бажарувчиси ва иштирокчиси бўлиб, юксалиш меъёрини йўқотади) “Мутолаа объекти” ўқув курсларни яратиш.

## АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4436-сон Қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 07/19/4436/3693-сон
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: Ўзбекистон, 2021.
3. Мец А. Мусулманский ренессанс. –М.: 1977.
4. Абу Хамид Газали. Воскрешение наук о вере. –М.: Наука, 1980.
5. Махтумқули. Сайланма. –Т.:Ўқитувчи, 2018.
6. Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадур. –Т.: Ёзувчи, 1997.
7. Абу Хамид Муҳаммад Ғаззолий. Охиратнома. –Бухоро, 1992.

## ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИДЕАЛНИНГ ЎРНИ *О.Дж.Нишанова, DSc, проф. – ЎЗМУ*

Бугун айрим Ғарб давлатлари глобаллашув ва демократия байроғи остида ўз маданияти, турмуш тарзини жаҳонга ёйишга интиломда. Шу боис, келажакимиз эгалари, ёшларнинг онги, дунёқараши ва тарбиясига самарали таъсир кўрсатувчи воситалардан ўринли фойдаланиш тақозо этилади. Жумладан, зиддиятларга бой замон муаммоларини англашлари учун ёшларни маданий мерос, анъаналар ва қадриятлар воситасида тарбиялаш талаб этилади. Зеро, маданий меросимизда ёшларга ҳар томонлама ибрат бўла оладиган, бетакрор бадиий образлар, гўзал фазилатларга эга олийжаноб қаҳрамонлар, халқ орзу-умидлари мужассам бўлган идеаллар мавжудки, бу ёшларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, идеал рационал ғоя ва дискурсив тажрибалар инъикоси сифатида юксак маънавиятли шахс тарбиясига самарали таъсир кўрсатади. Қайси бир халқ эртаги ёки халқ достонини олманг, улардаги бош қаҳрамонлар гўзал суратга, олийжаноб фазилатларга, мард-довжурлик хислатларига эга инсон, образ сифатида тасвирланади. Бадиий-эстетик тасвирда мазкур олийжаноб фазилатлар авлодлар ҳавас қиладиган, эргашадиган ижтимоий идеалга айланади. Халқ қаҳрамонлари олийжаноб ишлари, ватанини, оиласини севиши, уларга сидқидилдан хизмат қилиши орқали ижтимоий-эстетик идеал яратади.

“Бадиий-эстетик идеал ижтимоий борлиқни, инсоннинг бадиий, маънавий-руҳий ҳаётини гўзаллаштиришга, нафосат қонунларига мувофиқ уни такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий онг шаклидир” [1: 189]. Ушбу назарий-фалсафий қарашидан келиб чиқиб, С.Агзамходжаева бадиий-эстетик идеалнинг маънавият билан боғлиқ функционал хусусиятларини: “1) оламни бадиий-эстетик билишга; 2) ён-атрофни ҳиссий-эмоционал идрок этишга; 3) бадиий-эстетик қадриятлар яратишга; 4) маданий-ижодий фаолият билан шуғулланишга; 5) тарбиявий-коммуникатив вазифаларни бажаришга қаратилган” [1: 192], деб кўрсатади.

Этномаданиятидан чуқур жой олган ботир, олийжаноб фазилатли қаҳрамонлар, садоқатли, сарвқомат, гўзал, париваш хотин-қизлар образларини ўзбек халқи идеаллар сифатида тасвирлаган. Бош қаҳрамонларни ғоят бақувват,

M.Radjabova .....	175
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИДА ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ. Н.Саидкулов .....	177
ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КИТОБНИНГ ЎРНИ. У.Мамашарипов .....	182

#### 4-шўба

<b>Ёшлар дунёқарашини шакллантириш муаммолари</b>	
ШАХС ФЕНОМЕНИДА ИЙМОН УСТУВОРЛИГИ. Б.Очилова .....	184
ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИДЕАЛНИНГ ЎРНИ. О.Нишанова .....	188
ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЁШЛАР УЧУН. З.Пардаева .....	190
МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ШАРОИТИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ. А.Саитқосимов, Х.Абдуниязов .....	193
МАШРАБ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ. М.Ҳошимхонов .....	197
ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА ИЖТИМОЙЛАШУВИДА МАЪНАВИЙ – АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. Г.Аманов, Г.Сайфутдинова .....	199
ОТА-ОНА BIRINCHI TARBIYACHI. M.Arziqulova .....	202
ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАХС ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ. И.Атамирзаев, М.Абдусатторов ....	205
TASAVVUF VA UNING TADRIJIY TARAQQIYOTI. A.Abdullaxo'jayev .....	208
O'ZMU JAMIYAT YUKSALISHIDA UZLUKSIZ MA'NAVIY TARBIYANING AHAMIYATI. D.Ahmedova .....	211
TALABALARNING AXBOROTLAR BILAN ISHLASH KOMPITENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI. D.Begmuratova .....	212
ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛАШУВИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. Ш.Ботирова .....	215
YOSHLAR MA'NAVIYATINI SHAKLANTIRISHDA TASVIRIY SAN'ATNING IMKONIYATLARI. F.Chiniboyev .....	217
ЎРТА ОСИЁДА ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТУРТКИ БЎЛГАН ТАРИХИЙ ОМИЛЛАР. С.Ҳолиқов .....	220
YOSHLAR DUNYOQARASHINI SHAKLLANTIRISHNING DOLZARB MUAMMOLARI. R.Nosilov .....	224
ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР. А.Абдугаффаров .....	225
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МЕРОСНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛ- ЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ. Ш.Кенжаев .....	228
ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ҲОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИШДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИНГ АҲАМИЯТИ. Й.Каримов...230	

**“ФАЛСАФАНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ”**

МАВЗУСИДА

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(2022 йил 20-21 май)**

Босишга рухсат берилди 07.05.2022. Бичими 60x84 1/8

Ҳажми 20 б.т. Буюртма № 5. Адади 50 нусха.

ГулДУ кичик босмахонасида чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети  
Боку давлат университети  
Доғистон давлат университети  
Тожиқ Миллий университети

Хайдар Алиев номидаги Озарбайжоннинг  
Ўзбекистондаги маданият маркази  
Ўзбекистон-Озарбайжон Дўстлик жамияти  
Ўзбекистон Фалсафа жамияти

«Евроосиё маконида таълим ва тарбия  
мутаносиблигини таъминлашнинг истикболлари»  
мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий  
конференция материаллари  
(2022 йил 25-26 март)

Материалы международной конференции  
«Перспективы обеспечения соотношения воспитания  
и образования в Евразийском пространстве»  
(25-26 марта 2022 года)

Materials of the international conference  
«Perspectives of maintaining correlation  
between education and upbringing  
in the Eurasian space»  
(March 25-26, 2022)



Тошкент – 2022

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Боку давлат университети  
Доғистон давлат университети  
Тожиқ Миллий университети  
Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги маданият  
маркази  
Ўзбекистон-Озарбайжон Дўстлик жамияти  
Ўзбекистон Фалсафа жамияти**

**«Евроосиё маконида таълим ва тарбия мутаносиблигини  
таъминлашнинг истиқболлари» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-  
амалий конференция материаллари**

**(2022 йил 25-26 март)**

**Материалы международной конференции  
«Перспективы обеспечения соотношения воспитания и образования в  
Евразийском пространстве»**

**(25-26 марта 2022 года)**

**Materials of the international conference  
«Perspectives of maintaining correlation between education and upbringing in  
the Eurasian space»**

**(March 25-26, 2022)**

**Тошкент – 2022**

Нурсултан Назарбаев в своей статье «Уроки независимости» писал: «Наши мудрые предки смогли сохранить не только себя, но и свою честность, мрачное настроение, чистый язык, красивые песни и настроение, а также культуру разговорной речи и богатую литературу. Безграничное счастье для каждого казахстанца быть сыном и дочерью такой страны, которая своими корнями, историей и силой уходит в Великую Степь, где многие этносы живут вместе в мире и согласии».

В своей статье «Независимость превыше всего» Президент Республики Казахстан К.Ж. Токаев подчеркнул: «Независимость государства – это не просто декларация. Построение подлинной Независимости – это каждодневный кропотливый труд, выверенная и последовательная политика. Мы сохранимся как нация в глобальном мире, только имея сильное и независимое государство. Мы должны твердо придерживаться этой непреходящей истины. «Независимость превыше всего!» – эти слова должны стать нашим девизом.

В этой связи инсценировки, представленные на историческом вечере «Страницы Независимость», заставляют нас оглядываться назад и анализировать нашу историю, показывают роль важных событий и личностей в многовековой истории казахского народа. Это мероприятие произвело неизгладимое впечатление на педагогов и учащихся, сыгравших исторические роли в спектакле.

Великий сын казахского народа Алихан Букейханов говорил: «Служение нации зависит не столько от знаний, сколько от характера». Мы должны работать вместе для дальнейшего укрепления нашей священной независимости, чтобы мероприятия, проводимые в школе и вне школы, способствовали воспитанию подрастающего поколения достойными гражданами нашей страны.

УДК:378

## РИВОЖЛАНГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Б.М.Очилова**

ф. ф. д., профессор,  
Жиззах давлат педагогика институти

**Аннотация.** Дунёнинг ривожланган таълим тизмининг асосий тамойиллари ва жамият тараққиётида таълимнинг роли мазкур мақолада ёритилган.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются основные принципы развитой системы образования мира и влияние образования на развитие общества.

**Annotation.** This article discusses the basic principles of the developed education system of the world and the impact of education on the development of society.

**Калит сўзлар:** замонавий билим, меҳнат бозори, шахсга йўналтирилган таълим, таълим кампуси, дуал таълим, рақамлаштириш лабораторияси, таълим кредити.

**Ключевые слова:** современные знания, рынок труда, личностно-ориентированное образование, учебный кампус, дуальное обучение, лаборатория цифровизации, образовательный кредит.

**Keywords:** modern knowledge, labor market, human-centered education, educational campus, dual education, digitization laboratory, educational credit.

### **Кириш.**

2017 йилнинг январ ойида Швейцариянинг Давос шахрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон Иқтисодий Форумида кейинги 10 йилда мутахассислардан талаб қилинадиган кўникмалар рўйхати эълон қилинди. Бу кўникмалар инсонни ўзининг энг кучли ички жиҳатларини рўёбга чиқаришга мажбур қилишини ва бу кўникмаларга эга бўлиш талаб қилиниб қўйилди<sup>1</sup>. Бинобарин, бугунги давр юқори технологиялар, инновациялар замонидир. Дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўз олдига нафақат кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда. Яъни, ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш эвазига эмас, инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантириш тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда. Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари энг аввало шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ<sup>2</sup> дир ва бу бугунги таълим функцияларига интеллектуал ва эмоционал интеллектуаллик, креативлик ва инновационлик, турли вазиятларда муаммоларни аниқлаш, талқин қилиш ва ҳал қилишда прагматиклик каби кўникмаларига эга бўлган шахсларни камол топтириш масаласини қўяди.

### **Материаллар ва методлар.**

Жанубий Корея, Финландия, Сингапур, Япония, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатлар қисқа муддатларда ривожланишнинг юқори даражасига инсон капитали, илм ва тадбиркорлик элементларига ўзига хос ёндашуви туфайли эришди.

Жанубий Корея ўзининг таълим тизимида – таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашуви жараёнига этибор қаратди. Жаҳон тажрибасида ўқув муассасаси билан илмий тадқиқот институтларини ўзида жо этган конгломератлар муваффақиятли фаолият кўрсатди. Бу ҳолат фан ва таълимнинг интеграциялашуви учун реал асос бўлиб хизмат қилди ва

---

<sup>1</sup><https://www.weforum.org>

<sup>2</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Т.: “Ўзбекистон”, 2017.-Б.168.

мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб боришга имкон яратиб берди. Шунингдек, талабаларнинг олий даргоҳда олаётган билимларини реал ҳаётга яқинлаштириш, берилаётган билимларнинг амалий қисмини кучайтириш, ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари, уйғунлаштирилган дарслар шакли, фанларнинг ўзаро алоқаси, интеграция дарс шакллари, фанлараро боғланишларни чуқурлаштиришга катта этибор қаратилгани кутилган натижани таъминлади. Инвестицияларнинг асосан олимлар, ёш ўқитувчилар ва тадқиқотларга йўналтирилгани инновацион кадрнинг жамиятда раҳбарлик ролининг ошишига олиб келди

Ҳар қандай фойдали янгилик инновация ҳисобланади. Агар бу фойдали янгилик тижоратлашиб бозорга чиқса, бу инновациянинг фойдалилигини кўрсатади ва глобал бозорни эгаллайди. Бу борада ўзига хос йўл тутган Жанубий Корея давлати аҳоли истиқомат қилаётган барча ҳудудларида “Инновация кунлари”, “Риск капитали” дастурлари асосида мунтазам тарғиботи ўтказиб борди ва бу тадбиркорликни ривожланишида катта рол ўйнади. Мавжуд иқтисодий муаммоларга креатив ечимлар топиш, пул киритиш, фойда кўриш, хатоликдан қўрқмаслик, тажриба тўплаш ва мулк эгаси бўлиш каби платформалар дастурнинг негизини ташкил этди. Мулк эгаси (тадбиркор) ўз-ўзидан тиниб-тинчимас, доимо ҳаракатдаги киши сифатида баҳоланди. Маълумки, мулк шахсий омилнинг ишлаб чиқаришнинг ашёвий шарт-шароитлари билан боғланиш усулини англатади. Жамиятдаги, инсонлар ўртасидаги, барча кўринишдаги муносабатлар, пировард натижада, худди мана шу боғланиш усулининг қай тарздалилиги, яъни кишиларнинг мулкка эгалликлари ёки ундан маҳрумликларининг қандай кўринишда намоён бўлишлиги билан белгиланади. Эркин ишлаш, яхши пул топиш, тадбиркорлик ва бизнес билан эркин шуғулланишга қаратилган мазкур дастурлар тўлақонли инновацион дунёқарашни шакллантиришни ўзида ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорида Финляндиянинг таълим соҳасидаги ижобий тажрибасини мамлакатимиз таълим тизимига ҳамда Миллий ўқув дастурига жорий қилиш вазифаси белгиланди. Нима учун?

Фин таълим тизимининг ижобий хусусияти, аввалло, таълим тўғрисидаги қонунида белгилаб берилган ўқувчиларга ҳаётда зарур бўлган билим ва кўникмаларни бериш; жамиятда ривожланиш ва тенгликни тарғиб қилиш; бутун мамлакат бўйлаб таълим соҳасида тенгликни таъминлашни мақсад қилиб қўйиши билан белгиланади. Иккинчидан, таълим тизимида кадрлар тайёрлаш бўйича “боши берк нуқта” мавжуд эмас. Ёшлар эрта болалик давридан бошлаб, умумий ўрта, ўрта махсус, касб хунар ёки олий таълим муассасаларини битирганидан кейин ҳам таълимни давом эттиришади. Ўқувчиларга ҳаётлари давомида эгаллашлари лозим бўлган билим ва кўникмалар билан бирга ҳаётий трансверсал компетенциялар ўқув дастурларининг бир қисми сифатида мунтазам ўқитиб борилади, яъни, ўқув дастурлари болаларга берилаётган ҳар қандай билимларни амалиётга қандай

ва қаерда қўллашни ўргатишга, уларни ижодий ва эркин фикрлашга ундашга йўналтиради. Яна бир муҳим жиҳати, фин таълим тизимида ўқитувчи касбига бўлган талабнинг жуда юқорилиги ва шу билан боғлиқ бўлган мураккаб малака имтиҳонлари мавжудлиги билан характерланади. Малака имтиҳонлари талабларининг юксаклиги ўқитувчиларига бўлган ишончни юзага келишининг замини бўлиб хизмат қилган.

Япония таълим тизимидаги илгарилама доиравий айланиш методологияси ушбу малакатнинг “мўжизаси” юзага келишида координатор вазифасини ўтади. Мазкур методологиядаги шахсий ташаббус ва креативлик, қатъият ва интизом, фундаментал билимларга эгалик ва прагматиклик, ностандарт ҳолатларда энг тўғри, мақбул ечим топиш ва танқидий фикрлаш каби тамойиллар соҳаларга оид муаммоларни ҳал қилиш йўллари, реал ва зарурий имкониятларни, абстракт ва тасодифлардан ажратиб, ойдинлаштириб берди ва инсон капиталини юзага келтирди.

### **Асосий қисм:**

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг мазмунида таълимни энг илғор хорижий мамлакатлар таълими даражасига кўтариш ва жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида етук мутахассисларни етиштириш мақсади турибди.

“Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” ғоясида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

2020-2021 ўқув йилидан тажриба-синов тариқасида 12 та йўналишда вариатив ўқув режалари жорий қилинди, иқтидорли ёшлар учун мутлақо янги 4 та Президент ҳамда 9 та ижод мактаби ташкил этилди, 2021-2022 йилларда янги миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мактабгача таълимдаги қамровни 82 фоизга етказиш, 7 мингдан зиёд янги боғчалар бунёд этиш, 2024 йил якунигача 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш ва шу билан биргаликда, келгуси беш йилликда 45 мингдан ортиқ аёл-қизлар учун иш ўринлари яратиш, олий таълимга қамров даражасини 50 фоизга етказиш, 100 минг ўринли талабалар ётоқхоналари барпо этиш, 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини йўлга қўйиш

Мамлакатимизда таълим тизимининг кенгайиши ва уни ривожлантириш ҳамда куллаб-қувватлашга сарфланаётган харажатларнинг ортиши нафақат бозор учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан чекланади, балки жамият ва давлатнинг сиёсий-ғоявий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа эҳтиёжларини таъминлашда муҳим омил бўлган меҳнат ресурсларини тайёрлаш ва такомиллаштириб боришни

амалга оширади. Лекин бу ҳодиса ўз-ўзидан амалга ошмайди. У қуйидаги аниқ мезонларни талаб қилади.

*Биринчидан*, моддий-техник ва илмий таъминот мезони. Бунда таълим кампуси ҳал қилувчи ўрин тутади. Таълим кампуси – ягона ҳудудда бирлаштирилган ўқув биноларини, илмий-тадқиқот институтларини (марказларини), ишлаб чиқариш мажмуалари ва технопаркларни, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг вақтинча яшаш жойларини, лабораторияларни, ахборот-ресурс марказларини (кутубхоналарни), спорт иншоотларини, умумий овқатланиш объектларини ўз ичига олган бинолар ҳамда иншоотлар мажмуидан иборат бўлган, ўқув жараёни, маънавий-ахлоқий тарбиянинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган таълим-тарбия муҳити<sup>1</sup>дир. Маълумки, олий таълимда илмий салоҳиятда дунёдан орқада қолдик. 70-90 фоиз ёшларимиз ўз соҳасини профессионал эгалламагани туфайли бозорда ўз ўрнини топа олмади. Бунинг ечими ОТМлар тадқиқот потенциалини ривожлантириш ва тижорийлаштириш даражасини оширишга бевосита боғлиқдир.

*Иккинчидан*, дуал таълим ва унинг амалий натижаси мониторингги мезон сифатида функционал характерга эга. Сабаби, таълим олувчилар олий таълим муассасаларида эгаллайдиган кўникмалар ва иқтисодиётнинг ҳақиқий эҳтиёжлари ўртасида узилишлар юқори. Дуал таълимнинг афзаллиги шундаки, таълим ташкилоти негизида эгалланган назарий зарур билим, малака, кўникмаларнинг амалий қисм таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади ва бу меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлашда самара беради.

*Учинчидан*, табақалаштирилган таълим шакли эътирофга муҳтож. Мазкур шакл ёшларга меҳнат бозорига кўникма ва тажрибани уйғунлаштирган интеллектуал капитал билан кириб боришлари учун мустаҳкам замин яратади. Зеро, бу халқаро меҳнат бозориде талабгор “ресурс”дир. Мамлакатимизда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида 340 та касб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди ва янги профессионал таълимда биринчи марта ҳар бир мутахассиснинг халқаро меъёрларга мос малака даражасини белгилаб беришга асос бўладиган ҳужжат — Миллий малака тизими қабул қилинди. Миллий малака тизимининг қабул қилиниши, профессионал таълим стандартларининг жорий этилиши ёшларимизнинг профессионал ўсиш йўналишларини белгилаб олишларига имкон яратади, ўз истиқболини юксалтириш, умуман айтганда, эртанги кунга қатъий ишонч пайдо қилади. Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабр куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йилдан бошлаб маҳаллаларда 1000 дан зиёд касб-хунарга ўқитиш марказлари ташкил этилиши, бунда касб-хунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия берилиши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон.

ва бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилининг қайд этилиши ва уни амалга оширилаётгани ёшларнинг ўз имкониятларини намоён қилишга яратилаётган имкониятлардан биридир.

*Тўртинчидан*, таълим муҳотида рақамлаштириш лабораторияси мавжуд бўлиши ва тўлақонли ишлаши амалиётда қарор топиши керак. Бинобарин, мамлакат раҳбари томонидан рақамли иқтисодиёт деб номланган янги технологик авлод иқтисодиётини ривожлантиришнинг кенг миқёсли тизимли дастурини амалга ошириш вазифаси қўйилган. Ҳар бир инсон учун таълимнинг индивидуаллаштирилиши, очиклиги ва самарасини рақамли технология таъминлайди. Рақамлаштириш таълимнинг барча босқичлари ва таълимий жараённинг барча тузилмаларида битирувчи қиёфасини, таълим стандартлари, дастурлари, баҳолаш тизимлари, таълим мазмуни, таълимий фаолият методлари ва усуллари шакллантиради, ҳар бир таълим олувчининг мотивациясини қўллаб-қувватлайди ва индивидуал қобилиятлар ва иқтидорларни максимал очиш имкониятини тақдим этувчи таълим элементларини таъминлайди, таълимда қийинчилик ва муаммоларни эрта аниқлаш, ташхис қилиш, уларни компенсациялаш ва бартараф этиш каби имкониятларни юзага келтиради. Шу баробарида, барча турдаги меъёрий ва методик маҳсулотларини яратиш, ишлаб чиқилган ресурсларни муҳокама қилиш, инновацион характердаги маҳсулотларни тажриба-синов учун амалиётга киритиш ҳам рақамли технология лабораториясида амалга ошади.

*Олтинчидан*, дунёнинг ривожланган таълим тизимларида хусусий мактаб, олий таълим ва касб-ҳунар коллежлари сифатий мезон характерига эга. Сабаби, хусусий таълим асосини когнитив ривожланиш ташкил этади. Когнитив ривожланиш билиш ва фикрлашни ўстириш жараёнида янги билимларни излаб топишга асосланади, яъни мавжуд билим ва кўникмалар билан чегараланиб қолмасликни рағбатлантиради. Когнитив ривожлантириш барча фикрлаш жараёнларини хотира, тушунчаларни шакллантириш, муаммо (масалалар) ечимини топиш, тасаввур этиш ва мантиқни ўз ичига олади. Ўқувчи ўзи билимни олади, конструкторлайди. Бу жараёнда ўқитувчи асосий йўналтириувчи ролни бажаради. Бу вазифани бажаришда инновацион фаолият унинг фаолияти мазмунини ташкил этади. Когнитив ривожланиш назариясига кўра, ўқувчи ўзининг когнитив қобилиятларини атроф-муҳитда ўзининг ҳаракатлар ёрдамида мустақил тузади. Бундай ҳаракат феълларини қўллашда, фикрни ифодаловчи саволларга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, *ниманидир баҳолаш* (таҳлил қилиш, кадрлаш, танлаш, баҳо бериш, аниқлаш, хулосалаб чиқиш, ўлчаш, ҳукм чиқариш), *ниманингдир тахлили* (фарқлаш, дифференциялаш, умид боғламоқ, биринчилик учун курашиш, сабаб деб билмоқ, таққосламоқ, тажриба ўтказмоқ, ўрганиб чиқмоқ), *ниманингдир синтези* (шакллантириш, таълим бериш, ишлаб чиқиш, ривожлантириш, қайта аниқлаш, таклиф этиш, яратиш), *билимларни қўлламоқ* (намоиш этмоқ, тайинламоқ, бажармоқ, чизиб чиқмоқ, қўллаб кўрмоқ, ишлатмоқ, шуғулланмоқ), *мавзуни тушуниш* (қайта кўриб чиқиш, идентификациялаш, муҳокама қилиш, ўзига қаратиш, тан олиш, тушунтириш, гапириб бериш, аниқлик киритиш), *мавзуни билиш* (эсламоқ,

аниқлик киритмоқ, тасдиқламоқ, айтиб ўтмоқ, такрорламоқ, атамоқ, гапириб бермоқ, тасаввур этмоқ, топмоқ).

*Еттинчидан*, таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтириш зарур ва бу мезон ривожланган дунё мамлакатлари тажрибасида ўз натижаини берган. Мамлакатимизда “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастури доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси тузилиб, ёшлар бизнес ташаббусларини, стартап, ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишлари учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз миқдорда имтиёзли кредитлар ва лизинг хизматлари кўрсатиш ҳамда дастур доирасида ажратилаётган кредитлар миқдорининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда кафилликлар бериш каби имтиёзларни амалга оширди. 2020/21 ўқув йили учун ОТМларга қабулда 8694та имтиёзли грант квотаси ажратилди, имтиёзли квоталар 7 хил тоифадаги абитуриентларга берилди. Мазкур ўқув йилидан бошлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган қизлар учун кундузги таълим шакли бўйича тасдиқланган давлат грантларига нисбатан 4 фоиз миқдорда алоҳида грант ўринлари ажратилди.

*Саккизинчидан*, таълим жараёнини инновацион бошқарув фаолияти масаласи. Бошқарув қарорларининг қанчалик самарали бўлиши кўп жиҳатдан муассасадаги бошқарув жараёнини, унинг натижаларини ўз вақтида, ҳар томонлама объектив баҳолаш билан боғлиқ. Бунинг учун эса, замон талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасалари бошқаруви жараёни, унинг самарадорлигини баҳолашда замонавий усул ва услубларни қўллашни тақозо қилади. Бунда синергетизм тамойили алоҳида ўрин тутди. Бу тамойилга кўра, муассаса ривожланишига бошқарувнинг таъсири қанчалик муассасанинг ўзини-ўзи ривожлантиришнинг ички йўналишларига мос келса шунчалик у самарали ҳисобланади, ўз – ўзини сақлаш қонунига биноан педагоглар инновацияларга қарши бўлмайдилар ва синергияга эришишга интиладилар. Ўз-ўзини ривожлантириш ва ташкиллаштирувчи тизимларда ички ва ташқи мувозанат, яъни гомостазесни сақлаб туриш қобилияти бўлади, бу эса муассасанинг иқтисодий мустақиллиги ва бозордаги мавқеини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу тамойил Сингапур, Финландия таълим тизими бўғинларида самарадорлиги билан эътироф этилган.

### **Хулоса.**

*Ривожланган мамлакатлар таълими тизими тажрибалари қуйидаги тамойилларни кун тартибига қўяди:*

– таълим стандартлари ва ўқув дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш;

– таълим тизимини марказлаштириш ҳодисасидан ўз бошқарув кенгашига эга бўлган ҳодисага олиб келиш ҳамда ҳар бирининг ўз стратегик мақсадлари мавжуд бўлишишни юзага келтириш;

– ихтисослашган таълим муассасалари кўламини ошириш;

- кадрлар малакасини капитал бозорига рақобатбардошлигини таъминлаш учун меҳнат ресурсларини юқори малака ва махсус тайёрларлик талаб этадиган иш билан банд қилиш муаммосини ҳал қилиш;
- илмий тадқиқотларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиётга янги мазмун олиб киришга йўналтириш.

### Библиография

1. Мирзиёев Ш.М. (2017). Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: Ўзбекистон, Б.168.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. (2020) ЎРҚ-637-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
4. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/30/credits/>

### Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожланиш тенденциялари

**С.Т.Каримова**

ЎзМУ Ижтимоий фанлар факултети  
“Фалсафа ва Маънавият”  
кафедрасининг тадқиқотчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада, Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг биринчи қадамлариданоқ давлат ўз сиёсати билан миллатлараро тотувлик ва халқлар орасидаги келишувни таъминланиши очиқ берилган. Мамлакатда ижтимоий - сиёсий барқарорликни таъминлайдиган энг муҳим омил сифатида кучли давлат ҳокимиятининг жамиятдаги турли социал гуруҳларнинг манфаатларини ифодалайдиган сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар билан ўзаро муносабати ўрин эгаллаши ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** конфессиялар, миллатлар, муносабат, жамият, мафкура, барқарорлик, тажриба, либераллашув, жамоавийлик, индивидуаллик.

### Кириш.

Дунё тажрибасининг гувоҳлик беришича, аҳолининг таркиби мамлакатдаги бошқарув тизимига катта таъсир кўрсатади. Миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар масалаларининг энг мақбул ечими этник жиҳатдан турли туман бўлган исталган жамиятда ҳар доим ҳукумат кун тартибининг марказида бўлиши шубҳа уйғотмайди. Шунинг учун

<b>СЕКЦИЯ 4. Жамият тараққиётида таълим ва тарбиянинг аҳамияти</b>			
1.	<i>Doshniyazov Zharylkasyn Karlybaevich</i>	Issues of labor education in the spiritual development of learners	214
2.	<i>Габитов Т.Х., Досхожина Ж. М.</i>	Культурный код в процессе обучения и воспитания	216
3.	<i>Корганова С.С., Жарылқасын Д.Н.</i>	Елдің ұлттық бірлігін нығайтудағы Қазақстан Халқы Ассамблеясының рөлі	223
4.	<i>Корганова С.С.</i>	Духовная культура в контексте программы «Единство в многообразии: этносы Казахстана»	228
5.	<i>Кувондиқов Илёс</i>	Қадриятлар – маънавий тарбия асоси	234
6.	<i>Махамаджоновна Мухиба Талатжановна</i>	Философия науки и проблемы формирования научного мировоззрения в Таджикистане	238
7.	<i>Оспанова Асия Адилевна</i>	Научно-образовательная работа Библиотеки Елбасы	244
8.	<i>Очилова Бахти Мурадовна</i>	Ривожланган таълим тизими тамойиллари	249
9.	<i>Каримова Садоқат Тоҳировна</i>	Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожланиш тенденциялари	255
10.	<i>Pardayev Sultonmurod</i>	Dindagi tabiiy qarashlarning o'ziga xos xususiyatlari	259
11.	<i>Усанов Равшан Тураявич, Комилова Маҳфуза Иброҳимовна</i>	Роль семьи в философии Ибн Сины	261
12.	<i>Усманов Мухриддин Абдимуратович</i>	Мифологизациянинг инсон тафаккурида намоён бўлиши	268
13.	<i>Хидиров Мустафо</i>	Таълим ва тарбия уйғунлигининг фалсафий жиҳатлари	270
14.	<i>Худойдодзода Фаррух Бегиджон, Мирсаминова Гузалхон Махмуджоновна</i>	Социальные роли женщин в философии Ибн Сины	273
15.	<i>Шарипова Эркайым Козуевна, Акматалиев Асанбек Тургунбаевич</i>	Роль нравственного воспитания в развитии экологического сознания	280
16.	<i>Эргашев Турсунбой Илхомжонович</i>	Фалсафий тафаккур тараққиётида илмий ва ноилмий билимлар мутаносиблиги	284
<b>СЕКЦИЯ 5. Талабаларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашда таълим ва тарбиянинг роли</b>			



Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Baku State University

Dagestan State University

Tajik National University

Azerbaijan Cultural Center of Heydar Aliyev in Uzbekistan

Uzbek-Azerbaijani Friendship Society

Philosophical Society of Uzbekistan



# CERTIFICATE

to

**OCHILOVA BAXTI MURODOVNA (JIZZAX DPI)**

For participation in the International Scientific and Practical Conference "Prospects for ensuring the balance of education and upbringing in the Eurasian space", held on March 25-26, 2022 in Republic of Uzbekistan, Tashkent

Участия в Международной научно-практической конференции «Перспективы обеспечения баланса образования и воспитания в Евразийском пространстве», проходящей 25-26 марта 2022 года в Республике Узбекистан, г. Ташкент.

Председатель



Проректор НУУз по науке и инновациям  
Сабуров Х.

DATE

SIGNATURE

**«O‘ZBEKISTONNING MUSTAQIL TARAQQIYOT  
YO‘LI: TARIX SABOQLARI VA KELAJAK  
ISTIQBOLLARI»**

**«НЕЗАВИСИМЫЙ ПУТЬ РАЗВИТИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: УРОКИ ИСТОРИИ  
И ПЕРСПЕКТИВЫ БУДУЩЕГО»**

**“INDEPENDENT DEVELOPMENT PATH OF  
UZBEKISTAN: THE LESSONS OF HISTORY  
AND THE FUTURE PERSPECTIVES”**



*НЕЗАВИСИМЫЙ ПУТЬ РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА: УРОКИ ИСТОРИИ И  
ПЕРСПЕКТИВЫ БУДУЩЕГО*

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И  
СРЕДНЕГО-СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН  
НАЦИОНАЛЬНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА  
ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕК  
ФИЛОСОФСКОЕ ОБЩЕСТВО  
УЗБЕКИСТАНА  
ДАГЕСТАНСКИЙ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ  
ТАДЖИКСКИЙ  
НАЦИОНАЛЬНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУГБЕК  
НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА  
ЖАМИЯТИ  
ДОҒИСТОН ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ  
ТОЖИК МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ

MINISTRY OF HIGHER  
AND SECONDARY-  
SPECIAL EDUCATION OF  
THE REPUBLIC OF  
UZBEKISTAN  
NATIONAL UNIVERSITY  
OF UZBEKISTAN  
PHILOSOPHICAL  
SOCIETY OF  
UZBEKISTAN  
DAGESTAN STATE  
UNIVERSITY  
TAJIK NATIONAL  
UNIVERSITY

**O'ZBEKISTONNING MUSTAQIL TARAQQIYOT  
YO'LI: TARIX SABOQLARI VA KELAJAK  
ISTIQBOLLARI**

*Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari  
2021-yil 28- avgust*

*Материалы международной конференции*  
**НЕЗАВИСИМЫЙ ПУТЬ РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА:  
УРОКИ ИСТОРИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ БУДУЩЕГО**  
*28 август 2021 года*

*Materials of the international conference*  
**INDEPENDENT DEVELOPMENT PATH OF UZBEKISTAN:  
THE LESSONS OF HISTORY AND THE FUTURE  
PERSPECTIVES**  
*28 august 2021*

**Toshkent  
“Innovatsiya-Ziyo”  
2021**

UDK: 32(575.1)

BBK: 66.3(5uz)

A 32

### **Mualliflar jamoasi**

**O`zbekistonning mustaqil taraqqiyot yo`li: tarix saboqlari va kelajak istiqbollari / Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari/. – Toshkent: “Innovatsiya-Ziyo”, 2021, 448 b.**

*Ilmiy jamoatchilikning e'tiboriga havola etilayotgan ushbu ilmiy maqolalar to'lg'amida respublika va xorijiy davlatlari olimlarining O'zbekistonda 30 yil davom etadigan taraqqiyot bilimdoni iqtisodiyoti, siyosat, ijtimiy, ma'naviy sohalarida eruvchilangan yuquloqlariga xulosalari umumlashtirilgan. Jamiyatning demokratlashuvi va modernizatsiyalashuvi jarayonida davlat boshqaruvi tizmasi, ta'lim sohasidagi islohotlarning yangilanishi haqidagi yangiliklar va kelajak istiqbollari haqida ilmiy farazlar ilgari surilgan.*

*Ilmiy maqolalar to'plami bakalavr, magistrant, doktorantlar va O'zbekistonda amaliyotga oshirilayotgandir.*

*В представленном на ваше внимание сборнике научных трудов обобщены выводы ученых республики и зарубежных стран о достижениях экономической, политической, социальной и духовной сферах за 30 лет независимости Узбекистана, выявлены основные направления реформ в сфере государственного управления и образования в процессе демократизации и модернизации общества и выдвинуты научные прогнозы о будущих перспективах.*

*Научный сборник предназначен для бакалавров, магистрантов, докторантов и для тех кто интересуется познанием сущности реформ проводяемых в Узбекистане.*

**Mas'ul muharrir:** *N.A. Shermuxamedova - f.f.d., professor*

**Tahrir hay'ati:** *Abdullayeva N. B. - f.f.d., professor; Akayev V.K. – akademik; Bilalov M.I.- f.f.d., Yunesko professori (DDU); Nishonova O.Dj. - f.f.d., professor; Shodmonov Q.B. - f.f.d, professor (BDU); Jalilov B.X. - ff.n, dosent; Nomozova Yu.M.- falsafa doktori; Xidirov M.T. - falsafa doktori*

**Taqrizchilar:** *To'ychiev B.T. - f.f.d, professor, Norqulov S.D - f.f.d.*

*Konferensiya materiallari Mupzo Uluzbek nomidaги Ўзбекистон Миллий университетининг 2021-yil 27-sentabrdagi 2-sonli majlis qaroriiga asosan nashrga tavsiya etilgan.*

**ISBN 978-9943-7324-1-4**

**© “Innovatsiya-Ziyo”, 2021.**

УДК  
316:347.471(075)

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

**Бахти Очилова**

Фалсафа фанлари доктори, профессор.  
Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудири  
Жиззах давлат педагогика институти (jspi.uz)

**Аннотация.** Мазкур мақолада фуқаролик жамиятига оид ғоялар ва қарашларлардаги маданий-тарихий парадигмалар таҳлил қилинган

**Калит сўзлар:** Фуқаролик жамияти, адолатли бошқарув, “Авесто”, ҳуқуқий муносабат, ягона маслак, фозил шаҳар, инсон камолоти, инсонпарварлик, “Темур тузуклари”, кенгаш, шарқона маънавият ва маърифат

Фуқаролик жамиятига оид ғоялар, қарашлар кўп асрлик тарихий тадрижий такомилга эга, хусусан, бу идора усулига хос бўлган кўплаб унсурлар аллақачон шарқ тажрибасида синовдан ўтган. Буни исботловчи тарихий далиллар бисёр.

Шарқда фуқаролик жамиятининг ўзига хос талқини бевосита ахлоқ, маданият ва маънавиятнинг ҳуқуқ билан уйғунлашган, феъл-атвор, ҳатти-ҳаракатлар ва қоида-меъёрларнинг узвий уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Жумладан, қадимги Хитой файласуви *Конфуций* (Кун-фу-цзы, мил. авв. 551 - 479 йй. яшаган) адолатли жамият ва тарбияли инсонлар ғоясини илгари суради ва унинг амалга ошишининг асосий тамойилларни қуйидагича белгилайди:

- жамиятда ва жамият учун яшаш
- бир-бирига ён бермок
- мансаби ва ёши катта бўлган кимсаларга қулоқ солиш
- императорга бўйсунуш
- ўзини тийиш, ҳар нарсада меъерга риоя қилиш
- инсонпарвар бўлиш
- давлатга содик хизмат қилиш, ватанпарвар булиш
- юксак мақсадларни олдига қўйиш
- олийжаноб бўлиш
- давлат ва атрофдагиларга факат яхшилик қилиш
- мажбуриятдан шахсий малака ва маслакни устун қуйиш
- давлат ва инсонларнинг шахсий фаровонлиги тугрисида қайгуриш.

Хитой донишмандларидан Мо-ди асос солган Моизм таълимотидаги катта давлат кичик давлатга хужум қилмаслиги, қудратли оила ожиз, кичик оилага зуғум ўтказмаслиги, кучли кучсизни таламаслиги, таниқли танилмаганнинг устидан кулмаслиги, инсон нафақат ўз яқинларини, балки бегоналарни ҳам севиши, ҳар қандай низоларни келишув, музокара йўли билан ҳал қилиш, жамиятда адолат ҳукм суриши, кишилар бир-бирига дўстона муносабатда бўлиши кераклиги ғоялари фуқаролик жамиятининг тамойилларини ўзида ифодалайди.

Энг қадимги маданий тарихий-ҳуқуқий ёдгорлик – Авестода кишиларнинг уюшиб яшаши, ўзаро муносабатлар ва алоқаларнинг ахлоқ ва меъёрларга таяниши каби ғоялар илгари сурилган. Бунда ўз-ўзидан жамиятда қонун устуворлигига эришиш, жамиятни шахс томонидан эмас, қонун бошқариши каби фуқаролик жамиятининг илк белгилари намоён бўлган.

“Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман”, - дейилади Авестонинг Ясна (14) китобида. “О Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказди. О Спитама аҳдингни бузма...” (“Яшт”, X боб.) Ахурамазда, инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро адолат, самимийлик, ҳурмат, беғаразлик, ёрдам ва оқибатли бўлиш зарурлигига, ёмон фикрлардан ҳоли бўлишга чақиради. Ғояларнинг бундай тарзда қўйилиши дунё ана шу кучларнинг ёнма-ён яшашидан иборат, оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдногани бузиш, адолатсиз бўлиш катта гуноҳ деган ҳикматнинг моҳиятини англашга ундайди

“Авесто”да энг муҳим масалалардан бири - бу ҳуқуқий муносабатларнинг назарий жиҳатдан шаклланганлигидир. Унда инсон ҳаёти ва одамлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳуқуққа асосланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, сув, эр, олов, хонадон ва чорвани асраб-авайлаш ахлоқий бурч бўлиб саналган. Инсон ўзининг ишлари ва фикрлари билан яхшилик, ёруғлик ва бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи олий тангри Ахурамаздага ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқшунос Н.Сафо-Исфиҳонийнинг таъкидлашича, «қонун тушунчаси зардуштийликнинг илк босқичлариданоқ унинг муҳим таркибий қисми бўлган. Зардуштийликка хос муқаддас китобнинг учдан бир қисми турли босқич ва соҳадаги қонунга тааллуқли эди», зардуштларнинг «амалий қонунлар»ни ўзида мужассам этган муқаддас китоби “Авесто”нинг мақсади эса «хар жиҳатдан ва ҳамма муносабатларда уйғунликка эришиладиган уюшган, гуллаб-яшнаётган жамият барпо этиш»<sup>143</sup> дан иборат бўлган.

<sup>143</sup> Қаранг: Safa-Isfahani N. Rivayat-i Hemat-i Asawahistan: A Study in Zoroastrian Law (Harvard Iranian Ser). Cambridge, 1980. Vol. 2.P.I

Зардуштийлик ҳуқуқининг диний хусусиятига қарамай, этник мансублиги, дини, ёши, жинси ва қайси табақадагилигидан қатъий назар шахс ҳуқуқлари унда Рим ҳуқуқидан кам бўлмаган даражада шаклланган ва қарор топган. Шу боис тадқиқотчилар зардуштийлик қонунлари «одамларнинг хоҳиш-иродаси эркинлигига эътибор беради»<sup>144</sup> деб таъкидлашлари бежиз эмас.

Ижтимоий муносабатлар, ижтимоий адолат, жамиятда инсон фаровонлиги ва одил шох борасидаги фикрлар ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирлари ва сиёсат арбобларининг қарашларида акс этган. Буюк қомусий аллома, улкан назариётчи бобоколониимиз Абу Райҳон Беруний қарашларида ҳам фуқаролик жамиятининг баъзи элементлари ва хусусиятлари мавжуд эди. Мутафаккир ўз даврида жамият аъзоларининг ягона маслак атрофига жипслашиши, уларнинг ижтимоий ҳаётнинг умумий иши ва тегишли чора-тадбирларини амалга оширишда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши лозимлиги тўғрисида айтган эди.

Беруний кишиларнинг жамиятда мавжуд эҳтиёжлари боис жамоа бўлиб, бир-бирига ўзаро ёрдам асосида яшаши лозимлиги тўғрисида шундай ёзади: “Инсон унда кўплаб эҳтиёжлар мавжудлиги, ўзини ҳимоя қилиш усулларининг камлиги ва душманларининг кўплиги боис ўзига ўхшаш кишилар билан ўзаро кўмаклашиш ҳамда бошқаларни таъминлашга қодир ишларни амалга ошириш учун жамиятда бирлашишга мажбур бўлади”.<sup>145</sup>

“Жамиятни ўрганиш ҳақида китоб”, “Бахт саодатга эришув йўллари ҳақида рисола”, “Фозил шаҳар аҳолисининг маслағи ҳақида китоб”, “Шаҳарлар ҳақида сиёсат юритиш”, “Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб”, “Фозил, жоҳил, фосиқ, ўзгартирилган ва адашганлар шаҳарлар ҳақида китоб”, “Ихсо-ул-улум” асарлари билан машҳур Абу Наср Фаробий фозил шаҳар вужудга келишининг асосларини кўрсатади, жамият типларини таснифини ишлаб чиқади, жамиятни ( давлатни) бошқариш усуллари принципларини ишлаб чиқади, жамият маънавий ҳаёти концепциясини ишлаб чиқади. Ва бу асарлардаги фуқаролик тамойиллари, мезонлари ва асосларига оид фикр, мушоҳадалари унинг қарашларида шарқона демократия, жамоавийлик тенденцияси кўзга яққол ташланади. “Ҳар бир инсон, деб ёзади Фаробий ўз табиати билан шундай тузилганки, у – яшаши ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади”.<sup>146</sup>

Абу Наср Фаробий (873-950) ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» деган асарида қуйидаги фикрларни айтган, яъни фозил шаҳар ҳукмдори «шаҳар учун дастлабки имомлар томонидан жорий этилган қонунлар, қоидалар

<sup>144</sup> Қаранг: Idid. P.X.

<sup>145</sup> Беруний. Танланган асарлар. Т.3. –Т: Фан, 1996. –Б. 83.

<sup>146</sup> Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т. “Ўзбекистон” нашриёт, 1983, 186-бет

ва расм-русмларни биладиган, ёдда тутадиган ва ўз ишлари, ҳаракатларида уларга риоя этадиган» бўлмоғи лозим<sup>147</sup>. Бошқача қилиб айтганда, фозил шаҳарда инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг энг асосий омили бўлган қонун устунлигига риоя этилмоғи лозим. Ер юзида бахт-саодатга эришувнинг шартларидан бири ҳам шу.

Форобий инсонлар бир-бири билан аҳил жамоа бўлиб бирикиб, ягона маслак асосида яшаганларидагина кўзланган мақсадларига етишиши мумкинлигини таъкидлайди: “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эришиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати буйича интиланган етукликка эришиши мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради”<sup>148</sup>.

Аллома давлатни фозил ва жоҳил давлатларга бўлади. Фазилатли шаҳарларда илм, фалсафа, ахлоқ-маърифат биринчи ўринда бўлмоғи лозим, деб билади. Шунда жамият етукликка эришади, дейди. Фозил шаҳар бошлиғи билимни, ҳақиқатни севувчи, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарashi, адолатни яхши кўрувчи ва адолат учун курашувчи бўлиши керак деб айтади. Форобий инсонни камолоти учун хизмат қилган, хайр-эҳсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатларни яхшилик деб ҳисоблайди. Инсоннинг камолотига тўсқинлик қилувчи дангасалик, бекорчилик каби ёмон одатлар, билимсизлик, онгсизлик, касб-ҳунарга эга бўлмаслик каби нуқсон-ларни ёмонлик деб, кишиларни ундан огоҳлантиради. Форобий ҳаётнинг олий мақсади бахт-саодатга эришувдан иборат, кишилар бунга оламни ўрганиш, касб-ҳунар ва илмларни ўзлаштириш – маърифатли бўлиш орқали эришади деб қарайди.

Ибн Сино Ўрта Осиё табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрларнинг буюк намоёндаси, тиббиёт, фалсафа, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий таълимот тарихига улкан ҳисса қўшган мутафаккирдир. Унинг “Ишорат ва Танбихот”, “Рисолату тадбири манзил”, “Қуш тили” каби асарлари бевосита давлат бошқарувининг адолатпарвар ва ахлоқий асосларига бағишланади. Аллома инсон ижтимоий мавжудод эканлигини асослаган, жамиятнинг барқарорлиги асослари ва омилларини таҳлил

---

<sup>147</sup> Қаранг: Фараби. Трактат о взглядах жителей добродетельного города/Пер. А.В.Сагадеева//Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. М., 1960. С.165.

<sup>148</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Тошкент: А.Қодирий, 1993. –Б. 183.

килган, ахлоқий равнақ авзаллиги ва инсоний комиллик тамойилларини ишлаб чиққан.

XI аср туркий халқларнинг ноёб ёзма ёдгорлиги бўлмиш, “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи билим”) нинг муаллифи Юсуф хос Хожиб демократияга асосланган шарқона давлатчилик концепциясини баён қилади. “Қутадғу билиг”да адолат, инсонпарварлик ҳақидаги таълимот марказий ўринда туради. Асар қахрамонлари Қунтуғди, Ойтуғди, Ўгдулмиш, ўзгурмушлар элиг (давлат бошлиғи) вазир, вазирнинг ўғли ва унинг қариндоши сифатида намоён бўлсалар ҳам, аслида уларнинг бош вазифалари Адолат, Давлат, Ақл ва Офийат (саломатлик)ни, қаноатни рамзий тарзда акс эттиришга бўйсундирилган.<sup>149</sup>

Салжуқий шоҳларга 30 йил вазирлик қилиб, ўз номини сўнмас шон-шухратга чўлғаган Низом-ул-мулкнинг “Сиёсатнома” асарида ҳам шарқона демократик тамойиллар асосида давлатни бошқариш, сиёсий, маънавий-маърифий жараёнларни идора қилиш масалалари ўша давр руҳиятидан келиб чиқиб баён этилган бўлсада, ундаги ғоялар бугун кунимиз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан унинг подшоҳ ва ёки хукмдорларнинг мамлакатни адолатли бошқариш ҳақидаги ўғитлари фикримизга далилдир.

“Аллоҳ, - деб ёзади мутаффақир бир кишига қудратини кўрсатиб, давлат ва иқбол беради. Ҳақ таолодан билим ва ақл топиб, шу билим билан қўл остидагилардан ҳар бирини ўзига тенг билади, ҳар бирига мартабасига мос кадр қилиб, мансаб беради, хизматкорларни халқ ўртасидан ажратиб олади, ҳар бирига бир мартаба ва манзала беради, дин ва дунё зарурияти-ю муҳимоти билан уларни таъминлайди, раиатни муҳофазат қилади, токи унинг ақли савиясида халойиқ роҳат ила яшаб кун кўрсин. Агар хизматкор ва ё маҳрамлардан бирортаси нолойиқ иш тутса-ю янглишганини тушиниб олса, ишга қайта қўйиш керак, агарда хушёр бўлмаса-ю (йўлдан қайтмаса), вафо қилмаса, уни бошқа бир кишига алмаштириш лозим”.<sup>150</sup> Аммо, унинг бу қарашларидан яхши фазилатлар фақат подшоҳ ва унинг амалдорларига хос бўлиши зарур экан, деган ҳулоса чиқмайди.

Чунки барча Шарқ мутафаккирлари каби Низомулмулк ҳам подшоҳдаги эзгу ҳислатлар унинг фуқароларидан ҳам намоён бўлиши зарур деб ҳисоблайди. Алломаларимиз хукмдорга, унинг маънавий-ахлоқий даражасига юксак талаб қўяр экан, подшоҳ орқали жамиятда эзгуликни маънавий баркамолликни кенг ёйишни кўзлаган. Шунинг учун улар адолат, эзгу амаллар ва маънавий-ахлоқий фазилатларни барча подшоҳ, фуқаролар ҳам ўзида шакллантиришни, уларга интилиб ва амал қилиб яшаши даркор, деган фикрни ижтимоий-ахлоқий мезон даражасига кўтарган. Бу мезон Шарқ халқларининг тарихий-маданий парадигмаси, менталитети,

<sup>149</sup> Тўхлиев Б. Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асари. Т. “Ўзбекистон”, 1991, 5-бет

<sup>150</sup> Низомулмулк Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. Т «Адолат» 1997, 17-бет.

турмуш тарзи ва эътиқодига айланиб кетганки, уларсиз бугунги демократик тараққиётни тасаввур қилиш қийин”.<sup>151</sup>

Ўтмиш аждодларимизни демократик қадриятларимиз ривожигадаги ўрни яна шундаки улар бағрикенглик; инсонларга адолатли муносабатда бўлишни илм-маърифат кишиларни ахлоқи-маънавияти билан боғлиқ эканлигини асослашга ҳаракат қилганлар. Жумладан Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида билим энг бебаҳо бойлик бўлиб, унинг негизида инсоннинг маънавий-маърифий дунёқараши, одоб ахлоқи, гўзал инсоний фазилатлари шаклланади, билим инсоннинг бутун хатти-харакатларини белгилаб беради, деб таълим беради. Асардаги “Халққа яхшилик қил, уни сув тагига ташласангда, уни сув устида кўрасан”, “Одам боласи ўлиб кетади, агар яхшилик қилган бўлса, ундан яхши ном қолади”<sup>152</sup> деган йўриқларида демократиянинг инсонпарварлик тамойиллари ўз аксини топган.

Ана шундай мутафаккирлардан яна бири Ахмад Югнакий ўзининг “Хизбатул-хақойиқ” (хикматлар тухфаси) асарида халоллик, ҳақгўйлик, поклик, саҳийлик, мурувват, диёнат ва бошқа хислат ва фазилатларни инсон маънавий-ахлоқий етуклиги белгилари сифатида тилга олар экан ана шу фазилатларга эга бўлган фуқаролари бор жамиятда эркинлик, фаровонлик, таъминланиши мумкинлигини асослашга уринади.<sup>153</sup> Демократия ва маънавият уйғунлигини Шарқ мутафаккирлари қарашлари асосида талқин этар эканмиз, яна бир муҳим масалани ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий меросида давлат ва жамият, шахс ҳамда жамият ёки фуқаролар билан подшоҳ ўзаро қарама-қарши кучлар сифатида қаралмаган. Ушбу тизимда уйғунликнинг бош субъекти подшоҳ (давлат) ҳисоблансада, у функционал хусусиятларига кўра, иерархия муносабатларида адолат принципини қарор топтириш шарт эмас. Адолатнинг бузилиши, бошқариш ишларини барбод этади. Фуқароларда норозилик уйғотади. Адолатни қарор топтириш Шарқона демократияга хос жамоа фикри ва манфаатлари устунлигини таъминлайди. Халқимиз менталитетидаги ана шу хислатлар, бизнинг улуғ бобоқолонларимиз, ҳукмдорларнинг давлатчилик сиёсатида ҳам ўз аксини топган.

Бу борада Амир Темурнинг инсонпарварлик фаолиятини мисол қилиб олсак бўлади. Соҳибқирон ўзи барпо этган бепоён мамлакатнинг ижтимоий адолат ва қонунчилик асосида бошқарилишини йўлга қўйган буюк давлат арбоби ҳисобланади. Улкан салтанат соҳиби «Куч – адолатдадир» деган шиорига қатъий амал қилиб, тарихда камдан кам учрайдиган лавозим – «Адолат Амири» лавозимини таъсис этган. Амир Темур давлат ишларида тўртта тамойилга амал қилганини таъкидлайди. Булар:

<sup>151</sup> Мусаев.Ф. Шарқона демократия тажриба ва анъаналар тажассуми. Тафаккур.№4/ 2006, 14-15 бетлар.

<sup>152</sup> Қаранг, Ўзбек педагогикаси антологияси. Т, “Ўқитувчи”, 1995, 190 бет

<sup>153</sup> Уша жойда: Б. 190

1. Дунёвий ва диний қоидаларни уйғун тутиш.
2. Мураса-ю мадора (компромисс).
3. Ўч олишга интилмаслик.
4. Адолатлилик<sup>154</sup>.

Бу қоидаларни Темурбек шарҳлаб кўрсатган. Биринчи тамойил ҳақида у қуйидагича айтади : «Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар билан шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди». Иккинчи тамойил ҳақида: «Дўст-у душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди», деб таъкидлайди. Учинчи тамойил ҳақида: «Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим», дейди. Тўртинчи тамойил ҳақида: «Очиқ юзлик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим ва жабр-зулмдан узоқ роқда бўлишга интилдим», деб уқтиради.

Соҳибқирон Темур мамлакатда тартиб-интизом ўрнатишни, жамиятда салбий иллатлар, ўзбошимчалик, зўравонлик, жабр-зулм, адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам беришни шариат қозиларисиз тасаввур қилмаган, унинг салтанати даврида ҳар бир шаҳар, вилоят ва туманларга қозилар тайинланган. Ўша даврдаги тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур мусулмон мамлакатларини забт қилиш асносида қозилар билан тез-тез учрашиб турган, улар билан суҳбат қурган, диний билимлар, шариат қонунлари бўйича баҳслар олиб борган.

Хусусан, Ибн Арабшоҳнинг хабар беришича, Темур Ҳалаб шаҳрини забт этгандан сўнг, шаҳар олимлари, фақиҳ ва қозиларни ҳузурига чақиртиради ва уларга турли саволлар билан мурожаат қилади. Савол-жавобларда қози ва олимлардан Мавлоно Абдулжаббор, Шарафиддин Мусо ал-Ансорий аш-Шофъий, қози Аламуддин ал-Қафасий ал-Моликий ва бошқалар бор эди. Темур Мавлоно Абдулжаббор ва ал-Шофъийнинг жавобларидан беҳад хурсанд бўлади ва биринчисини «бу жуда ажойиб олим», иккинчисини эса «бу фасиҳ киши» деб мақтайди, амирларни чақириб: «Бу икки одам Ҳалабда сизларнинг меҳмонингиздир. Уларга, уларнинг хизматкорлари, дўстлари ва уларга кўшилган кишиларга яхши муомала қилинг. Ҳеч бирор кишининг уларга азият беришига йўл қўйманг, улар учун егулик озиқ-овқат ажратинг ва уларни қалъада қолдира кўрманг, балки уларнинг яшаш жойи қилиб мадрасани, яъни қалъа рўпарасидаги Султония (мадрасаси)ни белгиланг»<sup>155</sup>, – деб буйруқ беради.

Темур, агар биронта қози саволга қониқарли жавоб бера олмаса, ғазабга келса-да, ҳеч нима демасди. Мабодо қози кутилганидан ҳам ортиқ даражада билимга эга бўлиб, яхши жавоб берса, ўзининг қойил қолганини яширмас

<sup>154</sup> Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: Фафур Фулом, 1996. – Б.80–81

<sup>155</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Б.207–211

эди. Масалан, қози Шамсуддиннинг жавобларидан таъсирланган Соҳибқирон «Во ажабо, у қандай фасоҳатли (киши), сўзда қанчалик шижоатли ва довюрак», – деб хитоб қилади.

«Темур тузуклари»да давлат тузилиши ва ундаги турли лавозимларнинг вазифалари, уларга муносабат, давлат арбоблари билан раият ўртасидаги муносабат, кўшин тузилиши ва моддий таъминоти сингари ўта муҳим масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилган. «Салтанатим ишларини, – дейди бу ҳақда «Тузуклари»да, – қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зеб-у зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргаздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим».

Ана шу ўн икки тоифа қуйидагилардан иборат:

- сайидлар, уламо, шайхлар, фозиллар;
- ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар ва кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юрутувчи кекса ва тажрибали кишилар;
- дуоғўй кишилар;
- амирлар, сарханглар, сипоҳлар;
- сипоҳ ва раиятдан чиққан баҳодирлар, довюраклар;
- яширин ишларни, махфий сирларни очиб кенгаш қилишга лойиқ бўлган ақлли, тажрибали, энг ишонарли кишилар;
- вазирлар, бош котиблар, девон муншийлар;
- ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар;
- муҳаддислар, пайғамбар, унинг авлодлари ва соҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар, тарихчилар, қиссахонлар;
- машойихлар, сўфилар, Худони таниган орифлар;
- касб-у ҳунар эгалари;
- ҳар мамлакат ва диёрдан келган саёҳатчилар-у мусофирлар, савдогарлар ва қарвонбошилар.

Соҳибқирон бу табақалар ва тоифадаги кишилар билан доимий кенгашиб, маслаҳатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, кераклисини қабул қилиб, салтанат ишларини олиб борган, давлатнинг энг муҳим ишларини ижро этган. «Салтанатим ишларини мурса-ю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргаздим... Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомини мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият – ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади», – дейди Соҳибқирон «Темур тузуклари»да.

Умуман олганда, Амир Темур билимдон, ақлли, доно ва адолатли қозиларни юксак қадрлаган ва ҳурматини жойига қўйган. Соҳибқирон давлат ишида тўрт нарсага амал қилган: 1) кенгаш; 2) маслаҳат; 3) хушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Албатта, кенгаш (йиғин) воситасида турли фикрларни эшитиш

имконияти пайдо бўлади, чунки берилган маслаҳатлар ҳар хил (яхши ва ёмон) бўлади. Демак, бу ўринда ҳушёрлик билан энг мақбул фикрни танлаш ва ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим бўлади. Амир Темур дейди: «Кенгаш аҳли йиғилганда олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойда-ю зиён томонлари, уларни қилиш-қилмаслик ҳақида сўз очиб, фикр сўрар эдим. Уларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мулоҳаза қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирар эдим; унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор-назар билан қарадим. Қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, ундан воз кечар эдим ва бир хатарли ишни ихтиёр этардим»<sup>156</sup>. Демак, Соҳибқирон муомала ва муросада мўтадил йўл – муносабатнинг учдан бир қисми фойда келтирадиган йўлни тутган. Бошқача айтганда, кўпчилик тавсия қилган йўл мулоҳаза воситасида таҳлил қилиб кўрилган ва кўпроқ фойда (яхшилиқ) келтирадиган иш танлаб олинган.

Диққат қилинса, бу ўринда давлат хизматчиси ўз тафаккур кучига таяниб, муомала ва муросада мақбул йўлни топади. Зеро, давлат хизматчиси етарли даражада билим, ақл ва фикрга эга бўлиши керак. Акс ҳолда, муомала ва муросада мўтадил йўлни топиб бўлмайди.

Амир Темурнинг айтишича, давлат ишларида юқоридаги тўрт усулга амал қилиш лозимлигини унга устозларидан бири, тасаввуф шайхи Зайниддин Абубакр Тоёбодий маслаҳат тарзида ёзиб юборган ва Темурбек уни лутфан қабул қилади. Темурбек Шайх Тоёбодий мактубидаги қатъийлик ва шижоат кўрсатиш ишорасини яхши англаган, мулоҳаза воситасида муомала ва муросада мақбул усулни ўзи топиши лозимлигини тўғри тушуниб етган. Демак, ҳар қандай маслаҳат, ёрдам ва кўмак давлат хизматчисига муайян йўлларни тавсия қилади, холос. Улардан энг мақбули ва тўғриси танлаш охир-оқибатда шахснинг ўзида қолади. Амир Темурнинг бу ўриндаги муваффақияти шундаки, фойда ва зиённи аниқ фарқлай олган. Танлаш ва фарқлашда хатога йўл қўймаслик учун тафаккур кучига ишонган. Акс ҳолда, у муваффақиятга эриша олмасди. Ахлоқий муносабатда муомала ва муроса йўли қанчалик жозибали кўринмасин, унга амал қилиш – ниҳоятда қийин иш. Айниқса, давлат хизматчисининг унга амал қилиши икки карра мураккаб кечади. Чунки бунда шахс фаолиятининг табиати таъсир кучини сақлаб қолиш ва муаммони мақбул даражада ҳал қилишни тақозо этади. Шу сабабли Амир Темур мақбул ва мўтадил йўлни танлашда мулоҳаза кучи етмаганда таваккал қилганлар. Масалан, баъзан Қуръони Каримдан фол очтириб, ундаги ҳукмларга асосан йўл тутган. «Бирон ишни қилмоқчи бўлиб кенгаш ўтказгач ҳам йўл мураккаб бўлиб қолса, – дейди у, – кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эдим. Туғлуқ Темурхон олдига боришдан аввал (1360-йили Мўғилистон хони Туғлуқ Темурхон бостириб келганида, Темурбек уни музокара йўли билан қайтарган) Қуръонни очсам,

---

<sup>156</sup> Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: Фафур Фулом, 1996. – Б.26

«Юсуф» сураси чикди ва ундаги хукмга амал қилдим»<sup>157</sup>. Чунки Қуръоннинг «Юсуф» сурасида Пайғамбар Юсуфнинг ўз туғишганлари берган азоб-уқубатларга сабр-тоқат қилиб, охир-оқибатда пайғамбар ва подшолик даражасига етганлиги нозил қилинган. Ва бу воқеа Қуръонда «қиссаларнинг энг гўзали» (12-сура, 3-оят)<sup>158</sup>, деб аталган. Амир Темур бу ўринда ана шу маънога диққат қилади ва иши ўнгидан келишига сидқидилдан ишониб, Туғлуқ Темурхон ҳузурига музокара учун йўл олади. Йигирма тўрт ёшли Амир Темур муомала ва мураса билан юртни навбатдаги ғоратдан сақлаб қолади. Туғлуқ Темурхон жанг-у жадалсиз Мўғилистонга қайтади<sup>159</sup>.

Амир Темурнинг муомала ва мураса принципида оқилона тадбир қўллаши ҳам муҳим ўрин тутди. Бу борада Темурбек шундай дейди: «Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлик аскар қилолмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин»<sup>160</sup>. Демак, муаммолар ечимини оқилона тарзда тинчлик-тотувлик билан ҳал қилиш лозим. Яъни энг мақбул усул ақл ва ахлоқ кучига тая ниш, етти ўлчаб бир кесишдир. Жумладан, душманни авф этиш, яъни дўстга айлантиришда ҳам ёрдамлашиш, хато ва камчиликларидан шарқона маънавият ва маърифат ҳақидаги таълимотлар ривожланишига қўшилган буюк ҳиссадир. Темур шундай деган эди: «Ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг кўз юмиш, яъни яхшилик қилиш демакдир. Амир Темурнинг таъкидлашича, давлат хизматидаги шахс ўн икки сифат-фазилатга эга бўлиши керак. Булар: эътиқод; муомалалик; хушёрлик; қонунга итоаткорлик; меҳрибонлик; адолатлилик; мурувватлилик; шижоатлилик; раиятпарварлик (халқпарварлик); кадр-қимматлик; дўстлик; муросалилик.

Унинг «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулм-у ситам йўлини тўсдим», «Адоват эмас, адолат енгади», «Адл-у эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади», «Бошсиз мамлакат жонсиз танага ўхшайди», «Бир кунлик адолат юз кунлик тоат ибодатдан афзал», «Ҳар неки деган бўлсам, унга амал қилдим», «Ҳар бир диор аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим», «Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни ўз ёмонликларига топширдим», «Ўз салтанатимни шариат билан безадим», «Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим», «Иш кўрган, синалган, шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим», «Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқ бўлишга интилдим» деган доно сўзлари йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши алоқалари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим» деган доно

<sup>157</sup> Амир Темур. Темур Тузуклари. – Т.: Ғафур Ғулом, 1996. – 27–28-бетлар.

<sup>158</sup> Қуръони Карим. / Алоуддин Мансурнинг ўзбекча изоҳли тажримаси. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б.157

<sup>159</sup> Қаранг . Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993. – 16–30-бетлар).

<sup>160</sup> Қаранг . Аҳмедов Б., Аминов А. Амир Темур ўғитлари. – Т.: Наврўз, 1992. – Б.13

сўзлари шарқона маънавият ва маърифат ҳақидаги таълимотлар ривожланишига қўшилган буюк ҳиссадир.

**Хулоса:** жаҳон фалсафий тадқиқотлар тизимида фуқаролик жамиятининг тарихий-фалсафий асослари юзасидан илмий изланишлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланади. Бу, биринчидан, фуқаролик жамиятини ўрганиш тамойиллари, ижтимоий-иқтисодий воқеликка ёндашув хусусиятлари ва парадигмалари доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб бориши билан характерланса, иккинчи томондан, ижтимоий ҳаёт ва миллий тараққиёт, унинг тарихий ўзгарувчан характери, динамик мураккаблиги, ижтимоий субъект ривожланиш даражаси каби ҳодисаларни ҳар томонлама ўрганиш ва илмий хулосаларни шакллантириш зарурияти билан ифодаланади.

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS**

<b>Маджидов Иномжон Урушевич</b>	Узбекистан свой путь развития	3
<b>СЕКЦИЯ 1. УЗБЕКИСТАН НА ПУТИ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО И ПОЛИТИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ</b>		
<b>Абдуллаева Насиба Бурановна</b>	Взаимосвязь национальной культуры и культурного пространства	5
<b>Аманов Акрам Мирзаевич, Эргашева Маликахон Авазхон кизи</b>	Совершенствование налогового инструментария	10
<b>Джамалов Хасан Нуманжонович</b>	Методологический конструктив по управлению налоговыми рисками малого бизнеса	16
<b>Джамалов Хасан Нуманжонович</b>	Предпринимательский талант – ключевой актив инновационной экономики	23
<b>Зарипов Хусан Баходирович</b>	К вопросу оценки влияния налогов на финансово-хозяйственную деятельность предприятий	29
<b>Кенджаев Мехриддин</b>	Системная рискогенность устойчивого развития коммерческих банков	35
<b>Курбонов Эргаш Рустамович</b>	Тижорат банклари фаолияти самарадорлигини бахолош ва банклараро рақобат шароитида уни такомиллаштириш	41
<b>Курбонов Эргаш Рустамович, Олимжонов Одил Олимович</b>	Содержание деятельности коммерческих банков и необходимость оценки её результатов	50
<b>Ташанов Абдухолик Дайнович</b>	Давлат хизматининг ижтимоий институт сифатида шаклланиши	56
<b>Хакбердиев Нурали</b>	Сиёсий тизимдаги янгиланишларнинг давлат кадрлар сиёсатида таъсири	62
<b>Шермухамедова Нигина Арслоновна</b>	Ўзбекистон мустақил тараққиётининг асосий йўналишлари	69
<b>Эргашева Маликахон Авазхон кизи</b>	Солиққа тортишнинг тартибга солиш функцияси самарали тараққиёти йўналишлари	90
<b>СЕКЦИЯ 2. СОЦИО-КУЛЬТУРНОЕ РАЗВИТИЕ В УЗБЕКИСТАНЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ БУДУЩЕГО</b>		
<b>Ахмедова Санам Джалаловна</b>	Перспектива культуры будущего для общества республики узбекистан как социально-философская проблема	96
<b>Барынбаева А. А., Усупова Ч. С.,</b>	Ответственность в контексте биоэтики	103

**Сейдалиева М. К.**

<b>Бурханов Тахир Махамматжонович</b>	Проблемы обеспечения региональной безопасности государств Центральной Азии в формировании международных этнических отношений	112
<b>Кодиров Жавлонбек Абдусаттор ўгли</b>	Джордан Питерсоннинг маънолар харитаси китобида келтирилган инсонда этикод шаклланишига оид ғоялар. Инсондаги этикод тизимларининг руҳият ва ҳиссиётга таъсири	118
<b>Сейтахметова Наталья Львовна</b>	Философский дискурс Узбекистана и Казахстана в эпоху независимости: поиск и становление	122
<b>Тиленбаева Гулнора Эргешовна</b>	Роль духовно-нравственных ценностей в процессе формирования образовательной системы	129
<b>Усанов Равшан, Джураев Манучехр</b>	Единство-гарантия развития эконимики и социальной жизни таджикистана	137
<b>Шарипова Эркайым, Тиленбаева Гульнора, Камбарова Нурзода, Карабаева Самара</b>	Духовность как основа сотрудничества между государствами	146

**СЕКЦИЯ 3.  
НОВЫЕ ГОРИЗОНТЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ПАРТЕНРСТВА В  
УЗБЕКИСТАНЕ**

<b>Ашурова Сарвиноз Джалилов Бахтиёр Хидаевич</b>	Маданий ва тарихий фаолиятда барқорлик ва барқарорлик диалектикаси	155
<b>Каримова Садоқат</b>	Ўш авлодни тарбиялашда оила маънавиятининг ўрни	160
<b>Худайберганов Қудрат Базарбаевич</b>	Глобаллашув жараёнининг миллатлараро муносабатларга таъсири	166
<b>Икрамова Ирода Рихсиваевна</b>	Ҳарбий ватанпарварлик руҳида ёшларни тарбиялашда миллий маънавият ва ахлоқий-рухий тайёргарликнинг аҳамияти	175
<b>Мухаммадиевна Ойниса</b>	Betakror va noyob ilmiy-ma'naviy merosimiz kuch-qudrat va ilhom manbai	183
<b>Омонов Бахтиёр</b>	Янги Ўзбекистон ижтимоий-маданий тараққиётида ўзбек халқи бахшичилик санъатининг роли	190
<b>Темиров Фаррух Бахронович</b>	Ўзбекистонда модернизациялаш: сабоқлар ва тажрибалар	196
<b>Усанов Бахтиёр</b>	Жамиятда ижтимоий бағрикенгликнинг намоён бўлиши	203
	Амалга оширилаётган чора-тадбирлар	210

<b>Равшанович, Усанов</b>	аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини
<b>Равшан Тўраевич</b>	яхшилаш қаратилгандир

**СЕКЦИЯ 4.**

**РЕФОРМЫ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ  
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ**

<b>Burhanov Taxir Махамматҗонович</b>	Yangi O'zbekiston rivojida ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar ahamiyati	218
<b>Lakhtionova Liudmyla, Налина Лазариева</b>	The results of education and science reforming in independent Ukraine	224
<b>Аброров Исломиддин Жамолович</b>	National aspects of the youth participation in volunteer activity in Uzbekistan	240
<b>Баубекова Гулзамира</b>	Особенности привития навыков культуры межнационального общения студентам в эпоху глобализации	248
<b>Игенбаева Бижан Курмангалиевна, Сағалиева Жанар Каукербековна</b>	Электронные учебные издания и цифровой образовательный ресурс	258
<b>Каримов Бахтиёр Рахмонович</b>	Деятельность Комитета по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами при Кабинете министров Республики Узбекистан в сфере обеспечения межнационального согласия в стране	267
<b>Сағалиева Жанар Каукербековна</b>	Краткий экскурс в историю становления краткий экскурс в историю становления цифровой дидактики	275
<b>Туйчиев Бердикул Тўрақулович, Сеитов А.</b>	Таълим соҳасидаги ахборотлаштириш ижтимоий-фалсавий таҳлил	284
<b>Худайқулов Дўсмурод Хидирович</b>	Амир Темур ўғитларининг юксак маънавиятли авлодни тарбиялашдаги аҳамияти	294
<b>Эрназаров Дилмурод Зухриддинович</b>	Укрепление добрососедства, дружбы, взаимного доверия и взаимопонимания в центральной азии ключевой приоритет внешней политики Узбекистана	298

**СЕКЦИЯ 5.**

**ГЛОБАЛЬНОЕ СОЦИАЛЬНО ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ В  
СТРАНАХ ПОСТСОВЕТСКОГО ПРОСТРАНСТВА**

<b>Андыржанова Гульнар, Баймухамбет Темирлан</b>	Казахстан в период глобальных вызовов современности	305
<b>Билалов Мустафа Исаевич</b>	Евразийство как цивилизационная перспектива стран постсоветского пространства	316

**НЕЗАВИСИМЫЙ ПУТЬ РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА: УРОКИ ИСТОРИИ И  
ПЕРСПЕКТИВЫ БУДУЩЕГО**

<b>Добичина Виолета Василева</b>	Интернализация высшего образования в контексте пандемии ковид–19: на примере Софийского университета им. Св. Климента Охридского и Университетского центра им. аль–Фараби	326
<b>Shadmanov Kurbonjon</b>	Independent path of development of Uzbekistan in the light of the ideas of the uzbek enlighteners of the early XX century	338
<b>Гулиев Ариф Джамиль оглу, Чекалюк Вероника Васильевна</b>	Современные этикетные нормы как инструменты в налаживании межличностных коммуникаций	345
<b>Матчанова Б.</b>	Миллий ғоя тизимини такомиллаштиришда инсон дунёқарашининг аҳамияти	354
<b>Miaodi Nan</b>	What is contemporary art?	361
<b>Мирзаев Муродилла, Набиев Элёр</b>	Туркия трансформация тажрибасининг айрим жиҳатлари	377
<b>Очилова Бахти</b>	Фуқаролик жамияти: тарихий-фалсафий асослари	384
<b>Отамуратов Садулла</b>	Миллатни инқирозга олиб келувчи омиллар	395
<b>Рахмонов Б.</b>	Этносиёсат фанида миллат ва миллатчилик тушунчалари	407
<b>Тўхтабоев Хайрулло</b>	Конституция - сиёсий ва маъмурий элита ривожининг ҳуқуқий асоси	414
<b>Утамуродов Акбар</b>	Ўзбекистон тараққиётини янги босқичи эришилган натижалар ва истиқболадаги вазифалар	423
<b>Ыразакон Дамирбек</b>	Специфика массовой музыкальной культуры	429